

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ

### **366 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси-нинг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида» 2011 йил 24 майдаги ПҚ-1536-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim хужжатларига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсун.
2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 9 сентябрь,  
ПФ-4362-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2011 йил 9 сентябрдаги  
ПФ-4362-сон Фармонига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim хужжатларига киритиладиган ўзгартишлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон Фармони билан тасдиқланган Республика давлат бошқаруви органлари рўйхатининг III бўлими 6-бандидаги «Ўзбекистон муаллифлик ҳукукини химоя қилиш Республика агентлиги» сўzlари «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги» сўzlари билан алмаштирилсун.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» 2006 йил 7 августдаги ПҚ-436-сон қарори 2-иловасининг 7-позициясидаги «Азимов Оқил Одилович — Давлат патент идораси директори» сўzlари «Хўжаев Асаджон Озотбекович — Ўзбекистон Рес-

публикасининг Интеллектуал мулк агентлиги Бош директори» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги ПҚ-916-сонли қарори билан тасдиқланган ўрта муддатли истиқболда инновацион маҳсулотлар ва технологияларни ривожлантириш бўйича тадбирлар комплексининг 4-бандидаги «масъул ижрочилар» графасида «Патент идораси» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.